



ХДП: МУНОЗАРА МАЙДОНИ

ВАТАН ЯГОНА ЭЗГУ МАҚСАД ҲАМ...



Мамлакатимиз халқлар чоррахаси, маданиятлар йўли бўлиб келган гўшалардан бири. Азал-азалдан юртимизда турли миллат, элат ва маданият вакиллари янги ҳаёт қуриб, тинч-тотув яшаб келган. Меҳмондўстлик, одамийлик, бағрикенглик одамларимизнинг қонида бор. Бирлик бор жойда барокат бор, деганларидек, халқимиз табиатидаги дўстлик ва тотувлик руҳини аввалдан намоён қилиб келади. Мана шундай фазилатлар туфайли турли маданият ва анъаналар бу юртда тинч-

осуда уйғунлашиб, биргаликда ривожланиб келмоқда. Улар бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ яшамоқда.

Ҳозир дунё ижтимоий-сиёсий майдонида юзага келган ҳар томонлама чигал вазият, геосиёсий тангликлар халқлар ва миллатлар ўртасидаги муносабатларга ҳам салбий таъсир этмоқда. Айрим мамлакатларда гуманитар инқирозлар кузатишмоқда.

► (Давоми 4-бетда)

МАДАНИЙ-ГУМАНИТАР Йўналишдаги ҲАМКОРЛИК ЯНГИ БОСҚИЧГА ЧИҚАДИ



Ўтган ҳафтада “Янги Ўзбекистон” ва “Халқ сўзи” газеталарида Президентимизнинг “Марказий Осиё янги давр остонасида” сарлавҳали мақолаши чоп этилди. Аввало шунини таъкидлаш керакки, мақолада мамлакатимиз ва Марказий Осиё учун муҳим фикрлар илгари сурилган. Минтақамизда давлатлар етакчилари бошчилигида яратилган очик мулоқот муҳити ҳамжиҳатлик драйвери вазифасини бажараётганини қайд этишимиз керак.

► (Давоми 2-бетда)

ХАЛҚНИНГ ОВОЗИ ЭШИТИЛЯПТИ!

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда фуқаролар мурожаатига бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Илгари муаммоси бор киши қоғозини кўтариб, идорадан идорага сарсон бўлар, масъул раҳбарни топиш, унинг қабул кунини кутиш ойлаб давом этарди. Ҳозир эса бу манзара ўзгарди — эшиклар очилди, мулоқот майдони кенгайди.

► (Давоми 7-бетда)

ПАРТИЯ ТАШАББУСИ

ҲАФТАЛИК ИШЛАРНИНГ ШАФФОФ МАНЗАРАСИ

ҲУДУДИЙ КЕНГАШЛАРДА

ТОШКЕНТ: ТАЛАБАЛАР
ЎРТАСИДА ФУТБОЛ
МУСОБАҚАСИ
ЎТКАЗИЛДИ



5

ПАРЛАМЕНТДА ҚИЗҒИН МУҲОКАМАЛАР:



НАВБАТДАГИ ЯЛПИ МАЖЛИС ҚАНДАЙ ЎТДИ?

► 3-бетда

ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШУВ



СЕНАТОР ТАЪЛИМ ДАРГОҲЛАРИДА

ҲАР БИРИГА 500
ДОНА КИТОБ БИЛАН

► 6-бетда

НУҚТАИ НАЗАР

СИЁСИЙ МАКТАБГА АЙЛАНИШ ЗАРУРАТИ

► 6-бетда

ЯГОНА ФАРОВОНЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ МАКОНИ

► (Давоми. Боши 1-бетда)



Мақолани 3 та йўналишда таҳлил қилиб, ўрганишимиз лозим.

Биринчидан, ҳамкорликни ривожлантиришнинг тарихий-сиёсий зарурати концептуал очиб берилган.

Иккинчидан, янги даврда эришилаётган ютуқлар соҳалар кесимида аниқ рақамлар, фахрлаиб айтишимиз мумкин, тарихий натижалар билан кўрсатилган.

Учинчидан, Марказий Осиё давлатлари ҳамкорлигини янада юқори босқичга олиб чиқиш борасидаги янги вазифаларга

МАДАНИЙ-ГУМАНИТАР Йўналишдаги ҲАМКОРЛИК ЯНГИ БОСҚИЧГА ЧИҚАДИ

эътибор қаратилган.

Мақолада келтирилган бир стратегик фикрни алоҳида қайд этмоқчиман. Яъни, Марказий Осиё қарорлар шунчаки ҳужжат сифатида эмас, балки минтақа мамлакатларида барқарор ривожланишни таъминлаш ва одамларнинг кундалик ҳаётини яхшилаш учун қабул қилинадиган имкониятлардан биргаликда фойдаланиладиган умумий маконга айланиши керак.

Дарҳақиқат, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик кўп томондан халқларимизнинг борди-келдиси яхшиланишига боғлиқ. Бунини Марказий Осиёдаги ҳар бир инсон ҳис қилади. Эслик, бир неча йиллар олдин чегаралар зич ёпилган, ижтимоий-иқтисодий ҳамкорлик жуда чекланиб қолган эди.

2017 йилда ҳамкорлик тарихимизда туб бурилиш ясалди. Маслаҳат учрашувлари формати йўлга қўйилди. Минтақа етакчилари биринчи марта ташқи воситачиларсиз мунтазам мулоқотни йўлга қўйиб олди.

Гуманитар алоқалар соҳасида узок

кутилган ўзгаришлар рўй бермоқда.

2023 йил сентябрь ойидан бошлаб Ўзбекистон ва Қирғизистон фуқаролари ID-карталар асосида чегарадан ўтаётгани одамларнинг эркин ҳаракатланиш ҳудудини шакллантириш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Қозоғистон ва Тожикистон билан ҳам шундай келишувлар ишлаб чиқилмоқда. Мақолада келтирилган бундай келишувлар минтақамиздаги ҳар бир инсонни қувонтириши табиий.

Марказий Осиёдаги ҳамкорлик мамлакатларимиз халқларига фойда келтирадиган реал натижаларга йўналтирилган бўлиб қолиши кераклиги таъкидланган.

Давлатимиз раҳбари олдинда турган ўта муҳим масалаларга алоҳида эътибор қаратган. Айни пайтда умумий барқарорлигимиз уларнинг ҳал этилишига боғлиқ экани қайд этилган.

Шулардан энг муҳимларидан бири, гуманитар ҳамкорлигини янада кучайтиришдир. Бу нима дегани? Бу

аввало, инсон капиталини ривожлантириш, таълим, илм-фан ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаш дегани. Эътибор берайлик, Марказий Осиё аҳолиси орасида ёшлар асосий қисми ташкил этмоқда. Агар таълим, илм-фан, замонавий коммуникация воситалари тизимли йўлга қўйилса, гуманитар ҳамкорлик имкониятлари ниҳоятда кенгайди. Чунки, Марказий Осиё ёшлари бир-бирини осон тушунади ва алоҳида ҳурмат қилади.

Мақолада қайд этилганидек, таълим, соғлиқни сақлаш сифатини ошириш, умуман, ижтимоий соҳани ривожлантириш халқлар ўртасидаги ўзаро англашувни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурий ҳужжатларида Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорликни ривожлантириб боришга алоҳида эътибор берилган. Бундай яқин дўстлик, ҳамжиҳатлик халқимиз манфаатларига, орзу-ниятларига ҳар томонлама тўғри келади. Шунинг учун биз Марказий Осиёнинг умумий фаровонлиги ғояси ва бу борадаги ташаббусларни фаол қўллаб-қувватлаймиз.

Улуғбек ИНОЯТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги
ЎЗХДП фракцияси раҳбари

КУЧИМИЗ – БИРЛИКДА, ҚУДРАТИМИЗ – ДЎСТЛИКДА



Комила КАРОМОВА,
Республика Маънавият ва
маърифат маркази
Қашқадарё вилояти бўлими
раҳбари, Сенат аъзоси.

Дунё шитоб билан ўзгараётган, геосиёсий низолар бани башарнинг тинч ҳаёти ва хавфсизлигига жиддий таҳдид солаётган бир пайтда Ўзбекистон ҳар қандай зиддиятларни фақат дипломатия, музокара йўли билан ҳал этишнинг қатъий тарафдори эканини амалда намоеъ этиб келмоқда. Мана шундай собит қадамларнинг самараси бугун кўзга аққол ташланаётди.

Дўстлик, тотувлик, хайрли муносабатлар минтақамизда осойишталик ва фаровонликнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқдаки, бундан биринчи навбатда шу замин одамлари наф кўряпти. Яхши кўшничилик муносабатлари, чегараларнинг очилиши ва назорат-киритиш пунктларининг ташкил этилиши Марказий Осиё давлатлари ўртасида доимийлик касб этаётган конструктив мулоқот натижасида амалга ошди. Тошкентда ўтказилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашуви бунини яна бир бор исботлади.

Албатта, Марказий Осиё – Янги Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатидаги энг устувор йўналишлардан ҳисобланади. Ўдингизда бўлса, биринчи марта 2018 йилда Президентимиз ташаббуси билан Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашуви бўлиб ўтган эди. Айнан ўша ташаббус самараси ўлароқ минтақадаги мамлакатлар етакчиларининг самарали мулоқоти анъанавий тус олди.

Натижада қисқа вақт мобайнида Марказий Осиёда мутлақо янги сиёсий муҳит барпо бўлди. Бу рух минтақада хавфсизлик, барқарор ривожланишни таъминлашга хизмат қилиб келаётган қатор тадбирларга йўл очди. Марказий Осиё мамлакатларининг етакчи аёллари мулоқоти, минтақа иқтисодий форуми, миллий маҳсулотлар кўргазмаси шулар жумласидан.

Ўтган ҳафтада Тошкент Марказий Осиё етакчиларининг навбатдаги саммитига мезбонлик қилди.

Қисқа вақт ичида Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги мулоқот маслаҳат шаклидан чинакам ҳамкорлик босқичига ўтди. Хавфсизлик, савдо-

иқтисодий, сув, энергетика, транспорт ва маданий-гуманитар соҳалардаги ўзаро алоқалар, дўстона, аҳил кўшничилик муносабатлари ўз натижасини бера бошлади. Ўзбекистоннинг кўшни давлатлар билан товар айирбошлаш ҳажми 2016 йилдаги 2,4 миллиард доллардан 2024 йилда 7,2 миллиард долларга етгани, минтақада қўшма корхоналар сони кескин кўпайгани билан боғлиқ салмоқли рақамлар ҳаммамизни қувонтиради.

Марказий Осиё мамлакатлари етакчилари иштирокидаги Тошкент саммити тарихий аҳамиятга эга бўлди. Маслаҳат учрашувлари формати доирасининг кенгайиб бораётгани, аёзо мамлакатлар сонининг ошаётгани анжуманнинг нуфузи тобора юксалаётганидан далолат беради. Озарбайжон Республикасининг тўлақонли иштирокчи сифатида қўшилишини давлат раҳбарлари бир овоздан қўллаб-қувватладилар. Президент Шавкат Мирзиёев ушбу қадам ҳамкорлиқнинг янги босқичини бошлаб беришини, Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ ўртасида ҳамкорликнинг ягона маконини шакллантиришини алоҳида қайд этди. Шунингдек, гуманитар соҳани, илмий ва маданий ҳамкорликни ривожлантириш бўйича қатор таклифлар билдирилди. Ҳар йили маънавий мерос ва маърифатпарварлик ғояларига бағишланган Халқаро конгрессни ўтказиш, Минтақавий илмий тадиқотлар жамғармасини тузиш ҳамда олим ва мутафаккирларимизнинг глобал ривожланишга қўшган ҳиссасига бағишланган БМТнинг махсус резолюциясини илгари суриш таклифлари моҳияти ва аҳамиятига кўра айти заруратдир.

Ушбу нуфузли мулоқот минтақавий бирдамликни қаррасига мустаҳкамлаб, ҳамкорлиқни янада чуқурлаштиришга хизмат қилиши шубҳасиз. Бу гал ҳам минтақа давлатларининг дўстлиги, аҳиллиги, бир-бирига елкадош бўла олиши, бу эса минтақа тараққиётини ҳаракатлантирувчи куч эканини бутун дунё кўрди, билди, англади.

“

МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ ЕТАКЧИЛАРИ ИШТИРОКИДАГИ ТОШКЕНТ САММИТИ ТАРИХИЙ АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛДИ. МАСЛАҲАТ УЧРАШУВЛАРИ ФОРМАТИ ДОИРАСИНING КЕНГАЙИБ БОРАЁТГАНИ, АЪЗО МАМЛАКАТЛАР СОНИНING ОШАЁТГАНИ АНЖУМАННИНГ НУФУЗИ ТОБОРА ЮКСАЛАЁТГАНИДАН ДАЛОЛАТ БЕРАДИ.



Раҳимберган ЮСУПОВ,
Ўзбекистон ХДП Хоразм
вилояти Кенгаши
раиси.

Сўнгги кунларда мамлакатимиз сиёсий ҳаётида юз бераётган қизғин жараёнлар жаҳон жамоатчилигининг диққат-эътибори марказида турибди. Халқимиз эса бир-бирига ёндош, қардош давлатларнинг яқин кўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш йўлидаги қатъиятини зўр мамнулик ва хайрихоҳлик билан қўллаб-қувватлаётди.

Президентимизнинг Туркменистон раҳбари билан ўтказган учрашуви икки давлат ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш баробарида бутун минтақада барқарорлик ва тараққиёт учун муҳим пойдевор яратиш мақсадига йўғрилган муҳим қадамлардан бири бўлганини кўришимиз мумкин.

Учрашув жараёнида муҳокама этилган



Сайёра ИМОМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги
ЎЗХДП фракцияси аъзоси.

Вашингтонда Америка Қўшма Штатлари ҳамда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг бир давра атрофида жам бўлиши минтақамиз учун катта аҳамиятга эга.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг бирдамликдаги саяё-ҳаракатлари натижасида ҳамкорлик учун мустаҳкам сиёсий ва ҳуқуқий пойдевор яратилди. Эришилган келишувларнинг фуқаролар ва бизнес учун аниқ натижаларга айланиши бу жараённинг энг муҳим амалий ифодасидир. Унда иқтисодий, ресурс, транзит ва сиёсий жиҳатдан долзарб мавзулар кўриб чиқилди. АҚШ томонидан Марказий Осиё давлатлари билан узок

АЗАЛИЙ ҚАРДОШЛИК РИШТАЛАРИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНДИ

масалаларнинг ҳар бири — савдо-иқтисодий ҳамкорлик, транспорт-коммуникация йўналишлари, сув ва энергетика хавфсизлиги, маданий алмашинув — икки халқнинг манфаатларига хизмат қиладиган, узокни кўзлаган стратегиялардир. Айниқса, Хоразмнинг Шовот туманида “Шовот-Тошхувуз” қўшма чегараолди савдо зонаси ишга туширилгани Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги азалий қардошлик ва ҳамкорлик ришталари тобора мустаҳкамланаётганидан дарак беради.

Шовот-Тошхувуз бозори нафақат савдо-сотик имкониятларини кенгайтиради, балки узок йиллардан бери қалбларда яшаб келаётган кўшничилик қадр-қиммати ва биродарлик руҳини янада юксалтиради. Тадбиркорлар, деҳқонлар, хунармандлар учун яратилган янги майдон — икки давлат ўртасидаги иқтисодий алмашинувни кучайтириш билан бирга бир-бирига қон-қариндош, куда-анда бўлиб кетган икки элнинг фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Мазкур савдо зонасида ўнлаб савдо расталари, дўконлар, маҳсулотларни қабул қилиш ва сақлаш учун омборхоналар, меҳмонхона,

ошхона, автотураргоҳ, тиббиёт пункти, банк филиали ва валюта айирбошлаш шохобчаларидан иборат замонавий инфратузилма яратилди. “Ягона дарча” тамойилига асосланган давлат хизматларини кўрсатиш, жумладан, фитосанитария ва ветеринария шахобчалари ташкил этилди. Худудда визасиз тартибнинг жорий қилиниши икки давлат фуқароларига янада қўлай имконият яратади.

Маълумки, Хоразм вилоятининг кўшни Дашоғуз билан ўзаро савдо айланимаси йилдан-йилга ошиб бормоқда. Хоразмдан Дашоғузга базальт плиталари, гулқоғоз, лак-бўёқ маҳсулотлари, курук ва ҳўл мевалар экспортга чиқарилса, Туркменистондан нефть ва нефть маҳсулотлари, битум, керамика, алюминий ва шиша буюмлари импорт қилинади. Эндиликда ҳудудлараро савдо айланимаси янада ортиши мумкин. Икки кўшни халқ ҳамкорлиги ривожига янги маскан хорижлик инвесторлар учун ҳам янги бозорга йўл очди.

Ўзбекистоннинг мана шу йўсинда кўшни мамлакатлар билан ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган алоқаларни изчил мустаҳкамлаб бораётгани минтақадаги тинчлик ҳамда умумий тараққиётнинг энг муҳим кафолатидир.

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЗАМОНАВИЙ ФОРМУЛАСИ

муддатли иқтисодий ҳамкорлик масалалари ва транзит йўллари муҳокама қилинди.

Олий даражадаги учрашувлар ўзаро ҳамкорлик алоқалари учун маънавий ва сиёсий кучли сигнал. Иқтисодий битимлар сармоя, логистика, рақамли трансформация, ресурслар соҳасида улкан имкониятлар эшигини очди.

Саммитда давлатимиз раҳбари минтақавий хавфсизлик, иқтисодий ривожланиш, экология, транспорт ва таълим соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш бўйича муҳим ташаббусларни илгари сурди.

“C5+1” бугун нафақат минтақадаги сиёсий жараёнлар, балки глобал барқарорлик масалаларида ҳам ҳал қилувчи роль ўйнай бошлади. Етакчилар иқтисодий барқарорликдан хавфсизликкача бўлган устувор йўналишларда яқдил фикр билдирмоқда. Ҳақиқат шўки, Марказий Осиёдаги ҳар бир давлатни ягона манфаат – барқарор ривожланиш, тинчлик ва фаровонлик йўли бирлаштиради.

Президентимиз таъкидлаганидек, Ўзбекистон АҚШ билан очик ва ўзаро манфаатли муносабатларни

ривожлантиришга, шунингдек, Марказий Осиёни барқарор тараққиёт ҳудудига айлантиришга катта аҳамият бермоқда.

Ўзбекистоннинг энг катта ютуғи унинг кўп қиррали дипломатиясидир. Давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, тенглик ва мувозанат принциплари бугун халқаро муносабатларда намуна бўлмоқда. АҚШ ҳам реаллиқни тан олган ҳолда, минтақани мустақил сиёсий марказ сифатида қабул қияпти, уни глобал ҳамкорликда тенг шерик сифатида кўрмоқда.

Бугун Марказий Осиё давлатлари тарихий бурилиш нуқтасида турибди. Дарҳақиқат, минтақа энди бир-бирига рақобатчи ёки бўлиниш майдони эмас, балки умумий манфаатлар ва тараққиёт йўлида бирлашаётган, ўз овозига эга бўлган макон сифатида шаклланмоқда. Энг муҳими, бу жараён ташқи босимлар таъсирида эмас, аксинча, минтақа етакчиларининг сиёсий иродаси ва халқларимизнинг эзгу интилишлари натижасида юз бермоқда.

“C5+1” – бу кенг қўламли тараққиётнинг ва ҳамкорлиқнинг замонавий формуласи, десак янглишмаймиз.

ПАРЛАМЕНТДА ҚИЗҒИН МУҲОКАМАЛАР:

НАВБАТДАГИ ЯЛПИ МАЖЛИС ҚАНДАЙ ЎТДИ?

Кейинги пайтларда парламентда муҳокамалар, мунозаралар қизгандан қизияпти. Эҳтимол, ҳаммамиз Янги Ўзбекистоннинг парламенти қандай бўлиши керак, деган залворли саволга муайян жавобларга гувоҳ бўляпмиз. Тўғрида, таҳлил, қарама қарши фикрлашиш, баҳслашиш парламентни ҳаракатга келтирувчи куч. Бусиз ҳар қандай парламент руҳиятини йўқотиб қўяди. Шу маънода биз кейинги вақтларда парламентимизнинг руҳи кўтарилгани, чехраси очилганини кўряпмиз, десак, ҳеч муболағаси йўқ.

Кеча, 18 ноябрь кuni Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Депутатлар кун тартибидан ўрин олган масалаларни қизгин баҳслар, кенг муҳокамалар билан бирма-бир кўриб чиқишди.

“ДАВЛАТ БОЖИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИЛМОҚДА

Мажлисида дастлаб “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасига қўшимча ва ўзгартириш киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, давлат ва жамият манфаатларини кўзлаб ер ажратишда белгиланган инвестиция мажбуриятларининг бажарилиши устидан назоратни кучайтириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажармаслиги, ердан самарасиз ёки ноқонуний фойдаланиш ҳолатларининг олдини олиш зарурати юзга келмоқда.

Бундан ташқари, амалдаги қонунчиликка мувофиқ, махсус иқтисодий ва саноат зоналари дирекциялари томонидан судга даъво аризаси киритишда давлат божи тўлашга мажбур бўлиб, бу ҳолат уларнинг асосий функцияларини бажаришига ва ҳудудий саноат салоҳиятини ривожлантириш ҳамда инвестицияларни фаол жалб этиш учун ажратилиши лозим бўлган ресурсларнинг камайишига олиб келмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси билан “Давлат божи тўғрисида”ги қонунга махсус иқтисодий ва саноат зоналари дирекциялари инвестиция битими бўйича мажбуриятларини бажармаган тадбиркорлик субъектларининг ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилиш бўйича иқтисодий судларга киритилган даъво аризалари юзасидан давлат божини тўлашдан озод этилишини назарда тутувчи қўшимча ва ўзгартириш киритилмоқда.

Қайд этилганидек, депутатлар қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш давомида ундаги нормаларни амалдаги қонунчиликка мувофиқлаштириш, ҳуқуқни қўллашда тушунмовчиликларнинг олдини олиш ва ер муҳофазасини таъминлашда барча мажбуриятлар бажарилишини лойиҳада акс эттиришга алоҳида эътибор қаратишди. Ушбу қонун лойиҳаси ердан оқилона ва самарали фойдаланишга хизмат қилади.

Мунозаралардан сўнг, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

СУД ИШЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ МУДДАТЛАРИ ҚИСҚАРАДИ

Мажлисида фуқаролик ва иқтисодий суд ишларини соддалаштирилган тартибда кўриб чиқиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси суд ишларини кўриб чиқиш муддатларини қисқартириш ва иқтисодий фаолиятнинг самарадорлигини оширишга қаратилган. У билан Фуқаролик процессуал ҳамда Иқтисодий процессуал кодексларига фуқаролик ва иқтисодий суд ишларини соддалаштирилган тартибда кўриб чиқишга асос бўлувчи даъво миқдорини ошириш бўйича ўзгартиришлар киритилмоқда.

Амалдаги қонунчиликка кўра, даъво баҳоси нисбатан кичик бўлган ишлар, жумладан, жисмоний шахсларга нисбатан БҲМнинг беш баравари, якка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан БҲМнинг ўн баравари, юридик шахсларга нисбатан БҲМнинг йигирма баравари миқдоридаги низолар соддалаштирилган иш юритиш тартибда кўриб чиқилади.

Қонун лойиҳаси билан соддалаштирилган тартибда кўриладиган иш бўйича даъвонинг максимал баҳоси фуқаролик низолари бўйича юридик шахсларга нисбатан — БҲМнинг 150 баравари, якка тартибдаги тадбиркорларга — БҲМнинг 100 баравари, жисмоний шахсларга — БҲМнинг 50 баравари, иқтисодий низолар бўйича эса юридик шахсларга нисбатан — БҲМнинг 150 баравари, якка тартибдаги тадбиркорларга — БҲМнинг 100 баравари этиб белгиланмоқда. Бу ўзгаришлар натижасида кўплаб фуқаролик ва иқтисодий низолар судда тезкор ҳал этилади, суд қарорлари эса одатдагидан тезроқ қонуний кучга киради.

Қайд этилганидек, депутатлар қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш давомида ундаги нормаларни амалдаги қонунчиликка мувофиқлаштириш, ҳуқуқни қўллашда тушунмовчиликларнинг олдини олиш ва ер муҳофазасини таъминлашда барча мажбуриятлар бажарилишини лойиҳада акс эттиришга алоҳида эътибор қаратишди. Ушбу қонун лойиҳаси

ердан оқилона ва самарали фойдаланишга хизмат қилади. Мунозаралардан сўнг, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

«МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ХИТОЙ» ФОРМАТИ КОТИБИАТИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Мажлисида “Марказий Осиё ва Хитой” формати котибияти тўғрисидаги низомни ратификация қилиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, “Марказий Осиё ва Хитой” формати платформа шаклидаги

учрашувларини ташкилий, техник ва ахборот жиҳатдан таъминлашни амалга оширади.

Ушбу қонун лойиҳаси билан “Марказий Осиё ва Хитой” формати котибияти тўғрисидаги низомни ратификация қилиш назарда тутилмоқда. “Марказий Осиё ва Хитой” формати котибияти тўғрисидаги низом муқаддима ва 4 та бўлимдан иборат. Ҳужжат билан Котибиятнинг вазифалари, ваколатлари, тузилиши ва таркиби, ҳуқуқи, мажбуриятлари ҳамда мақоми ҳуқуқий мустаҳкамланган.

Мажлисида қонун лойиҳасининг қабул қилиниши “Марказий Осиё ва Хитой” формати котибиятида Ўзбекистоннинг иштирокини таъминлаш, мазкур платформада минтақавий ташаббусларни муносиб илгари суриш, миллий манфаатларни муносиб ҳимоя қилиш имконини бериши таъкидланди.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.



давлатлараро тузилма ҳисобланиб, унинг котибиятига Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон томонидан тегишли таъсис ҳужжатларини имзолаш орқали асос солинмоқда.

Мазкур дипломатик мулоқот шакли давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтариш, ўзаро ҳурмат, ишончга асосланган кўп асрлик дўстлик ва шериклик ришталари ҳамда яқин алоқаларни ўрнатиш, амалий ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида ташкил этилмоқда.

“Марказий Осиё ва Хитой” формати котибияти 2023 йил 19 майдаги ушбу формат иштирокчи-давлатлари қабул қилган Сиан декларациясига мувофиқ ташкил этилмоқда. Котибият Форматнинг ижро органи ҳисобланади. Котибият Формат иштирокчи-давлатларининг саммитлари ва ташқи ишлар вазирлари

ОМБУДСМАННИНГ ТАКЛИФИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Мажлисида Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг “Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунчилик таклифи кўриб чиқилди.

У билан тергов ҳибсхоналарида ушлаб турилган ва қамоққа олинган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган нормаларни такомиллаштириш таклиф этилмоқда.

Хусусан, байрам кунларида тоза ҳавада қўшимча сайр қилиш ҳамда яқин

““

ОЛИЙ МАЖЛИС
ҚОНУНЧИЛИК
ПАЛАТАСИНING
ҲАРАКАТЛАР ДАСТУРИДА
ҲАМ СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРИНИНГ СОҲАДА
ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН
ИСЛОҲОТЛАРГА
ҚАРАТИЛГАН
АХБОРОТИНИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ
МАЖЛИСИДА ЭШИТИШ
БЕЛГИЛАНГАН.

қариндошлари ва бошқа шахслардан кийишга рухсат этилган кийим-бош ва пойабзал олиш ҳуқуқларини бериш, ҳар ойда озиқ-овқат ва энг зарур нарсаларни сотиб олиш учун рухсат этилган пул миқдорини оширишга оид нормаларни киритиш таклиф этиляпти.

Лойиҳанинг қабул қилиниши қамоққа олинган шахсларни ахлоқан тузатиш ишлари самарадорлигини оширишга, миллий қонунчиликни халқаро тажрибага мувофиқлаштиришга хизмат қилади.

Мажлисида қонунчилик таклифи депутатлар томонидан маъқулланди ва тегишли қарор қабул қилинди.

СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ АХБОРОТИ ЭШИТИЛАДИ

Ялпи мажлисида депутатлар сув хўжалиги вазирининг “Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2025 – 2028 йилларга мўлжалланган дастурининг ижроси, сувни тежайдиган технологиялар жорий этилиши ҳамда қонунчилик ҳужжатларини Ўзбекистон Республикасининг Сув кодексига мувофиқлаштириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги ахборотини эшитиш ҳақида”ги масалани кўриб чиқишди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантириш, сув сарфини камайтириш мақсадида сув объектларини реконструкция қилиш, насос станцияларини энергия тежамкорларига алмаштириш, уларнинг электр сарфини камайтириш, сув таъминоти даражасини ошириш, сув тежайдиган технологиялардан кенг фойдаланиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ҳаракатлар дастурида ҳам сув хўжалиги вазирининг соҳада олиб борилаётган ислохотларга қаратилган ахборотини Қонунчилик палатаси мажлисида эшитиш белгиланган.

Мажлисида шундан келиб чиқиб, сув хўжалиги вазирининг ахборотини эшитиш бўйича қарор қабул қилинди.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози”
муҳбири.

ХДП: МУНОЗАРА МАЙДОНИ



“

БУГУНГИ ДУНЁНИНГ ГЕОСИЁСИЙ МАНЗАРАСИ КЕСКИН ЎЗГАРИБ БОРАЁТГАН ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА АЙНАН МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК, ҲАМЖИХАТЛИК МАСАЛАСИ ДОЛЗАРБ АҲАМИЯТГА ЭГА. 130 ДАН ОРТИҚ МИЛЛАТ ВА ЭЛАТ ВАКИЛЛАРИНИ ЯГОНА, ЭЗГУ МАҚСАД ЙЎЛИДА БИРЛАШТИРГАН ЎЗБЕКИСТОН АЙНАН ҲАМЖИХАТЛИК ВА МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ДУНЁГА ЎРНАК БЎЛАЁТГАНИ ҲАМ БОР ГАП. ВА БУ ДУНЁ ҲАМЖАМИЯТИ ТОМОНИДАН ТЕЗ-ТЕЗ ЭЪТИРОФ ЭТИЛМОҚДА.



ВАТАН ЯГОНА

ЭЗГУ МАҚСАД ҲАМ...



► (Давоми. Боши 1-бетда)

Бундай мураккаб глобал вазиятда халқлар ўртасидаги ўзаро ишонч, миллатларора ҳамдўстлик ришталарини сақлаб қолиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамиятга эга. Шунинг учун мамлакатимизда миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси “Мунозара майдони” пресс клубининг навбатдаги сессиясида “Давлат тили, бирдамлик ва ҳамжиҳатлик” мавзуси муҳокама этилди. Бу галги учрашув партия фаоллари, депутатлар, мутахассислар ҳамда турли миллат вакилларини бир давра атрофига жамлади.

Энг асосийси, тадбир аввалгиларига нисбатан мутлақо янги, ўзига хос форматда ташкил этилди. Мавзу юзасидан мунозара ёки баҳс-мунозара эмас, балки самимий мулоқот юз берди.

Иштирокчилар масалага юракдан, кўнгилдан ёндашдилар. Чунки суҳбат марказида — давлат тилига ҳурмат, миллатлараро тотувлик, мамлакатимизда яшаётган барча фуқаролар ўртасидаги ҳамжиҳатлик каби юксак қадриятлар турди.

Ушбу очик ва самимий суҳбат барча иштирокчиларга нафақат фикр алмашиш, балки умумий қадриятларимиз атрофида янада жипслашиш имконини ҳам берди.

ЎЗБЕКИСТОН КЎП МИЛЛАТЛИ ВА БАҒРИКЕНГ МАМЛАКАТ

Маълумки, юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари ҳамжиҳатликда истиқомат қилади. Улар умумий ўйимиз – Ўзбекистонимиз равнақи йўлида бирлашиб, барча соҳа ва тармоқларда фидокорона меҳнат қилмоқда, ривожланган бозор иқтисодиёти ва кучли фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Ислохотларни давом эттириш йўлида умумий улкан мақсад сари биргаликда интиломда.

Ҳар бир миллатнинг ўз урф-одатлари, анъаналари, маданияти ва тилига ҳурмат билдирилиб, уларни ривожлантириш учун шарт-шароит яратилган.

Конституциямизнинг ўзидаёқ ҳар бир инсоннинг миллатидан, тилидан ёки динидан қатъий назар, тенг ҳуқуқли экани қатъий белгиланган бўлиб қўйилган.

“Мунозара майдони”да қайд этилдики, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг бир ярим миллионга яқин аъзоси бор. Улардан 300 минг нафардан ортиги турли миллат вакилларидир. Шунинг ўзи ҳам партиямизнинг ғояси, мафқурасида миллатлараро тотувлик, халқлар ўртасидаги дўстлик, ҳамжиҳатлик устувор аҳамиятга эга эканини яққол намоён этиб турибди.

“Мунозара майдони”ни олий тоифали суҳбатчи, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати Назира Мамбетшарипова олиб борди.

– Албатта, бу мавзу бежиз танланмаган. Бу бугун Ўзбекистондай катта юртнинг, бизнинг азиз Ватанимизнинг бағрида яшаётган, турли миллат ва элат вакилларининг бир мақсад ила яшаши учун, шу юртда мағрур туриб, ўз бахтимизни топишимиз учун, орзу-мақсадларига етишиши учун яратилган шароит ва имкониятлар туфайлидир.

Мен яқинда Қорақалпоғистонда хизмат сафарида бўлдим ва бир оилада меҳмон

бўлдим. Оиланинг 5 нафар келини бор ва уларнинг барчаси турли миллат вакили экан. Ҳаммаси бир даврада, битта оилада яшаяпти. Мақсади бахтли бўлиш.

Шу оила мисолида фикр қилсак, аслида бутун инсониятнинг мақсади бахтли бўлиш. Шу юртнинг бир қисми бўлиш, шу юртда кетаётган ўзгаришлар ва жараёнларнинг иштирокчиси бўлиш, бунёдкорликларнинг занжирига айланиш, шу юртда ўзимизни топиш аслида ҳар биримизнинг мақсадимиздир.

Айтайлик, турли миллат вакилларининг фарзандлари ўқиши учун мактабларда таълим имкониятлари яратилган. Миллатларнинг ўз маданиятини, қадриятини сақлаш учун катта шароитлар бор. Одамлар орасида бирлик бўлса, ҳамжиҳатлик бўлса, ўша жойда барака, фойда бўлади.

Бугун Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлидаги энг муҳим қадам ҳам мамлакатимизда яшаётган халқлар, турли миллат вакилларини бирлаштираётган платформанинг яратилганлигидир.

Келинг, энди сессиямиз қизиқарли ўтиши учун спикерларга юзланамиз.

Иба НАРИЗОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

– Ўзбекистон кўп миллатли, кўп маданиятли ва ҳақиқий бағрикенг мамлакатдир. Бу жамиятимизнинг барқарорлиги, тинчлиги ва келажак тараққиётининг асосий кафолатларидан биридир. Турли миллат ва элат вакилларининг бир оиладек яшаши — Ўзбекистоннинг юраги қанчалик кенг, халқининг қалби қанчалик меҳрибон эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Мен ана шундай меҳрибон, одамлари истарали, оқибатли ва бағрикенг Ўзбекистонда яшаётган бахтли онаман, бахти аёлман.

Навоий вилоятиданман. Ушбу ҳудуднинг олис овулида туғилиб ўсганман. Мен шундай юртнинг фуқароси, фарзанди эканлигимдан жуда қувонаман.

Навоий вилоятида шаҳардан 350-400, ҳаттоки 500 км.узоқликдаги овуллар бор. Вилоятда турли миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ яшамоқда. Вилоятдаги мактабларда 4-5 тилда таълим олиб борилади. Бу турли миллат вакилларининг ўз она тилида таълим олиши учун хизмат қиляпти.

Кейинги пайтларда “Обод маҳалла”, “Обод овул” дастурлари кенг қўламда амалга оширилмоқда. Ушбу дастурлар доирасида овулларда катта ўзгаришлар бўлди. Навоийнинг энг чекка ҳудудлари бўлган Конимех, Томди туманларида ҳам замонавий мактаблар, боғчалар қурилди. Ёшларимизнинг тилагида, юрагида шу бор: Ўзбекистон ўз элим!

Кўп миллатлилик нафақат жамиятимизда дўстлик ва ҳамжиҳатликни кучайтиради, балки ривожланишимизга ҳам катта ҳисса қўшади. Турли маданиятлар уйғунлиги — янги ғоялар, инновациялар, ижодкорлик ва очик фикрли муҳитнинг асосидир. Бу эса Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ижобий имижини янада мустаҳкамлайди.

Иномжон АЗИМОВ,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази директори, профессор:

— Ўтган йилдан бошлаб биз бошқа миллат вакиллари учун ўзбек тилини бепул ўқитиш ташаббуси билан чиқдик. Эълон берилган захоти телефон кўнғироқлари тўхтамай қўйди. Шундан кейин бир йил мобайнида пойтахтимизда жуда кўп миллат вакилларига ўзбек тилини ўргатиш имкониятини яратдик.

Куни кеча, октябрь ойида Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар билан ҳамкорлик қўмитаси билан меморандум имзоладик. Бу асосда ўзбек тилини ўрганиш бўйича иккита янги гуруҳ ташкил этилди. Курсда уч ой давомида босқичма-босқич ўзбек тили ўргатилади.

Қизиғи шундаки, талабгорлар сони жуда кўп бўлгани учун дарслар кечки 18:00–19:00 да ҳам белгиланди. Шу вақтда ҳам 65–70 ёшли кексаларнинг дарсга қатнашаётганини кўриб, яна бир бор ишонч ҳосил қилдик: агар шароит яратилса, тилимизни ўрганишга бўлган ҳавас жуда кучли экан.

Сессияда сўзга чиққанлар Конституциямиз ва қонунларимизда миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча фуқароларимиз тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эга экани кафолатлаб қўйилганига эътибор қаратишди. Шунингдек, уларга ўз миллий маданияти, анъана ва урф-одатларини сақлаш, ҳар томонлама ривожлантириш учун барча имкониятлар яратилгани таъкидланди.

Озоджон ҚУВОНДИҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмитаси матбуот котиби:

Сўз — иштирокчиларга!



Мобил МАМЕДОВ,
Республика Озарбайжон миллий маданий маркази раиси:

– Мен Арманистонда туғилганман. 1988 йилда Ўзбекистонга келиб, шундан бери ашаб келялман. Яқинда бўлган бир воқеани айтиб бераман. Ўғлим хорижда ўқийди. Мени дўстлари билан таништироқчи бўлди. Улар озарбайжонлик бўлса керак, деб ўйладим. Аммо уларнинг ҳаммаси ўзбеклар экан. Озарбайжонлик ҳам борми, деб сўраганимда ўғлим шундай деди:

– Ахир мен ўзбекистонликманку...

Бугун Ўзбекистонда 40 мингдан ортиқ озарбайжон яшайди. Мен шу ёшгача ўзбек тилини билмаган миллатимиз вакилларини кўрмаганман. Ўзбек тили жуда чиройли тил. Бу Алишер Навоий бобомизнинг забони. Турк тиллари ичида барчамиз учун қадрли, меҳрли тилдир.



Тарас ГОНЧАР,
блогер:

– Менинг миллатим рус, турмуш ўртоғим ҳам рус. Лекин 90 фоиз ҳолатда мен ўзбек тилида гаплашаман. Чунки дўстларим, ўртоқларим асосан ўзбеклар. Бир нарс билан фахрланаманки, мен Ўзбекистонда ҳар қандай жойга борсам, ҳар қандай одам билан суҳбатлаша оламан. Урф-одатлари, тарихимиз мен учун қадрли.



Эскендер СЕРЛИЕВ,
Тошкент шаҳар Кримтатарлар миллий маданий маркази раиси:

– Бир ой олдин қўмита бизлар учун ўзбек тили курсини тақдим этди. Шу вақт ичида тилини жуда яхши ўргандик, билимларимизни бойитдик. Ҳозир Ўзбекистонга келаётган кўп сайёҳлар ҳам ўзбек тилига қизиқиб, ўрганишмоқда. Бу ҳаммамиз учун фахрли ва қувонарлидир.

Мунозараларда ёшлар ўртасида халқимизнинг азалий қадрияти бўлган бирдамлик ва ўзаро ҳурмат руҳини кучайтириш, уларнинг миллий анъаналаримизга садоқатли бўлиши ҳақида фикрлар алмашилди.

Юртимиздаги Украин миллий маданий маркази фаоли ўзбек тилида шеърин парча ҳам ўқиб берди.

“Мунозара майдони” сессиясида миллатларо тотувликни асраб-авайлаш, айниқса, ёш авлод орасида ота-боболаримизга хос бўлган ҳамжиҳатлик ҳиссини янада мустаҳкамлаш, турли соҳа вакиллари ўртасида миллий маданий марказлар фаоллари билан

– Бугунги дунёнинг геосиёсий манзараси кескин ўзгариб бораётган глобаллашув даврида айнан миллатлараро тотувлик, ҳамжиҳатлик масаласи долзарб аҳамиятга эга. 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари ягона, эзгу мақсад йўлида бирлаштирган Ўзбекистон айнан ҳамжиҳатлик ва миллатлараро тотувлик масалалари бўйича дунёга ўрناق бўлаётгани ҳам бор гап. Ва бу дунё ҳамжамияти томонидан тез-тез эътироф этилмоқда.

Этник хилма-хиллик бу ноёб ижтимоий ҳодиса бўлиб, тарихан давом этиб келаётган ва бугун Янги Ўзбекистонда ўзининг янги қиёфасини намоён этмоқда. Ўзбекистонда барча миллат ва элат вакиллари тинч ва бирдамликда яшаб келмоқда. Уларнинг ҳар бирининг ўзига хос урф-одатлари, анъаналари, қадриятлари бор ва уларни ривожлантириш учун кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

Юртимизда этник ўзига хосликни ривожлантириш ва миллатлараро муносабатларни янада уйғунлаштиришда 157 та маданий марказлар фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, 43 та дўстлик жамияти, хориждаги ватандошларимиз томонидан асос солинган 100 дан ортиқ жамоат ташкилотлари ҳам айнан миллатларо тотувлик ва ҳамжиҳатлик борасида бир мақсад йўлида ҳамкорликда фаолият юритиб келмоқда.

Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, бугун давлат фуқаролик хизматларида 5 мингга яқин хизматчи 35 та миллатга мансуб. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 12,7 фоизи, маҳаллий Кенгашларнинг 11,2 фоиз депутатлари ҳам бошқа миллат вакилларидир.


Шу ўринда алоҳида урғу бермоқчи эдим, 30 июль — Халқлар дўстлиги куни сифатида бутун дунё миқёсида кенг нишонланади. Лекин ҳеч бир мамлакатда бизнинг юртимиздаги каби ҳафта давомида кенг қамровли дастурлар, тадбирлар ўтказилмайди. Бу ҳам Ўзбекистонда халқлараро дўстлик масаласи нечоғлик аҳамиятли эканини билдиради.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” мухбири.



Deputat kundaligi

haftalik dayjest



ПАРТИЯ ТАШАББУСИ

ҲАФТАЛИК ИШЛАРНИНГ ШАФФОФ МАНЗАРАСИ

Ҳар куни депутатларимиз нечта муаммонинг ечимини топишяпти? Нечта оилага ичимлик суви керак? Қайси ҳудудларда электр таъминотида муаммолар бор? Бу каби саволларга ХДПнинг "Депутат кундалиги" аниқ жавоб беради.

Бу кундалик — халқ овози, депутат масъулияти, амалий иш ва натижалардан иборат ҳафталик манзара. У партия депутатларининг ҳар ҳафта амалга оширган ишларини очиқ ва шаффоф тарзда жамоатчиликка етказишга қаратилган самарали ташаббусдир.

Ҳар бир депутат ўз ҳудудининг дардини эшитиб, сайловчининг манфаатини биринчи ўринга қўяди. Натижада ечим талаб этувчи масалалар назоратга олинади, тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлар амалга оширилади

ва одамлар ҳаётига қулайлик кириб келади.

Ҳар ҳафта депутатлар юзлаб одамлар билан учрашиб, уларни қийнаётган муаммоларни кўриб чиқмоқда. Бугун уларнинг ташаббуси билан кўчалар таъмирланмоқда, ичимлик суви

манбалари тикланмоқда, электр таъминоти яхшиланмоқда, мактаблар ва ижтимоий объектлардаги камчиликлар бартараф этилмоқда. Бу кундалик орқали ҳар бир ташаббус, ҳар бир муаммо ва унинг ечими жамоатчиликка аниқ, очиқ тарзда етказилади.

"Депутат кундалиги" — фақат ҳисобот эмас. Бу — ҳаракат, жавобгарлик ва халққа садоқат рамзи. Унга қарашнинг ўзиданоқ фаолиятнинг қай даражада жонли ва самарали эканини англаш мумкин.

ҲУДУДИЙ КЕНГАШЛАРДА



ТОШКЕНТ: ТАЛАБАЛАР ЎРТАСИДА ФУТБОЛ МУСОБАҚАСИ ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳамкорлигида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида футбол мусобақаси ташкил этилди.

Мусобақада 20 та талабалар жамоаси ўзаро беллашиб, жисмоний тайёргарлиги ва жамоавий кучини намоиш этди. Ҳар бир жамоа ғалаба учун бор кучини ишга солди.

Ғолиб жамоаларга кубок, диплом ва эсдалик совғалар топширилди. Шунингдек, мусобақа доирасида "Энг яхши ўйинчи", "Энг яхши дарвозабон" ва "Энг фаол жамоа" номинациялари бўйича ҳам совриндорлар аниқланди.

Бундай тadbирлар ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, талабаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ҳамда спорт орқали дўстлик ва жамоавий бирдамликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

ҚУВА: ДЕПУТАТ СЎРОВИ - МУАММОЛАР ЕЧИМИ

Халқ депутатлари Қува тумани Кенгаши депутати Облоберди Олимов тумандаги 20-сонли умумий ўрта таълим мактабида куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларини ўрганганида мактабда иситиш тизими носозлиги ҳамда том қисми таъмирталаб ҳолатга келиб қолгани аниқланган эди.

Депутат Қува туман ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари Ж.Зокировга мазкур муаммоларни бартараф этиш юзасидан депутат сўрови юборди.

Масъулнинг жавоб хатида келтирилишича, ҳозирда мактабни куз-қиш мавсумига тайёрлаш учун тегишли мутасаддилар томонидан зарур таҳлил ишлари олиб борилган. Хусусан, мактабнинг иситиш тизимига доир камчиликларни бартараф этиш ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилган.



ҒИЖДУВОН: МАКТАБЛАРДАГИ СПОРТ ИНФРАТУЗИЛМАСИ ҚАНДАЙ?

Мактабларда ўқувчиларнинг спорт мусобақаларидаги иштироки, мактаб спорт клубларининг фаолияти, ўқувчиларнинг спорт билан қамраб олинганлик даражасини ошириш кўп жиҳатдан яратилган шароитларга боғлиқ.

Халқ депутатлари Ғиждувон туман Кенгаши депутати Б.Бафойев тумандаги умумтаълим мактабларида мазкур йўналишдаги ишларни ўрганар экан, спорт иншоотлари ва жиҳозларининг бугунги ҳолатига эътибор қаратди.

Ўрганиш давомида мавжуд камчилик ва эҳтиёжлар таҳлил қилиниб, спорт инфратузилмасини янада ривожлантириш ҳамда ёшлар учун қулай шароитлар яратиш бўйича тегишли тавсия ва таклифлар берилди.

Бундай ўрганишлар ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарғиботи, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш ҳамда жисмонан ва маънан баркамол авлодни тарбиялаш йўлидаги партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб амалга оширилмоқда.



БАХМАЛ: ТУМАННИНГ ЭНГ ФАОЛ ДЕПУТАТИ АНИҚЛАНДИ



Партиямиз Бахмал туман кенгашида "Энг фаол депутат" кўрик-танловининг туман босқичи ўтказилди.

Маълумки, маҳаллий Кенгаш депутатлари жамоатчилик асосида фаолият юритади. Танловдан кўзланган асосий мақсад депутатларнинг фаолиятини рағбатлантириш, улардаги ишчанлик ва фидойилик кайфиятини қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Беллашувда дастлаб иштирокчилар ўзлари сайланган ҳудудда амалга ошираётган ишлари, хусусан, партия дастурий мақсадларида белгиланган устувор вазифаларни қай даражада бажараётгани ҳақида атрофлича маълумот беришди. Кейин режалари ҳақида тақдимот ўтказишди. Шунингдек, танлов доирасида иштирокчиларнинг сиёсий билим ва кўникмалари тезкор савол-жавобларда синалди.

Танлов натижаларга кўра, А.Зиқрийев туманнинг энг фаол депутати деб тан олиниб, вилоят босқичига йўлланмани қўлга киритди.

ПИСКЕНТ: ДОРИ-ДАРМОН ОМБОРХОНАСИГА ЗАМОНАВИЙ СОВУТГИЧ КЕРАК

Партиямиз Пискент тумани кенгаши депутати Д.Комилова ҳудуд аҳолисига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати қай даражада эканлигини ўрганиш мақсадида туман Кўп тармоқли поликлиникасида бўлди.

Маълум бўлишича, поликлиникада 63 нафар шифокор, 178 нафар ҳамширалар фаолият олиб боради. Муассаса 16 та маҳаллада яшовчи жами 42258 нафар фуқарога хизмат кўрсатади. Рўйхатга олинган беморлар билан суҳбатлашилганда бугунги кунда уларга 70-80 фоиз дори-дармонлар бепул етказиб берилаётгани қайд этилди.

Ўрганиш давомида поликлиниканинг дори-дармон сакланадиган омбори ҳам кўздан кечирилди. Аниқланишича, дори-дармон омборхонасига замонавий совутгич керак. Депутатимиз мазкур масалада мутасадди ташкилотлар билан боғланиб, ижобий ечим топишини маълум қилди.



НАМАНГАН ТУМАНИ: "МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ"ДА 35 НАФАР ФУҚАРО ИШЛИ БЎЛДИ

Партиямиз Наманган туман кенгаши томонидан ҳудуддаги ишсиз ва банд бўлмаган аҳолининг бандлигини таъминлаш мақсадида "Меҳнат ярмаркаси" ташкил этилди.

Ярмаркада 25 та ташкилот ва корхоналар ўзларида мавжуд бўлган 250 дан ортиқ бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Натижада ишлаш истагида бўлган 102 нафар фуқаро мавжуд иш ўринлари ҳақида батафсил маълумотга эга бўлган бўлса, 51 нафарига махсус йўлланмалар берилди. 35 нафари тўғридан-тўғри ишга қабул қилинди.

Бундан ташқари, партиямиз масъуллари ва депутатлар томонидан фуқароларга ўз бизнесини йўлга қўйиш, банк имтиёзли кредитларидан фойдаланиш ҳамда янги лойиҳалар устида самарали ишлаш бўйича яратилган ҳуқуқий асослар, имконият ва шароитлар тушунтирилди.



ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

СЕНАТОР ТАЪЛИМ ДАРГОҲЛАРИДА

ҲАР БИРИГА 500 ДОНА КИТОБ БИЛАН

Олий Мажлис Сенати аъзоси Ҳусан Эрматов Бахмал туманидаги 5-,79-,69-,4- умумтаълим мактаблари ҳамда 1-сонли Политехникум ўқувчи ва ўқитувчилари, шунингдек, аҳоли вакиллари билан учрашув ўтказди.

Политехникум мажлислар залида тўпланганларга Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида юртимизда олиб борилаётган ислохотлар, Президентимизнинг АҚШга таширфи, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Тошкент шаҳрида ўтказилган саммити ҳақида батафсил ахборот берилди.

номланган мақоласида илгари сурилган ғоя ва фикрлар ҳақида уларга муфассал ахборотлар берилди. Сенатор бўлиш учун нима қилиш керак, деган саволга жавоб эса кўпчиликнинг қизиқишига сабаб бўлди, дейиш мумкин.

Мазкур учрашув ўқувчи ёшлар қалбида узоқ йиллар сақланиб қолишига шубҳа йўқ. Чунки сенатор Ҳусан Эрматов ҳар бир ўқув даргоҳига 500

тадан китоб совға қилди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан чоп этилган ранг-баранг китобларда ўзбек ва хориж адибларининг сўнгги йилларда ёзган асарлари, ёш қаламкашларнинг биринчи китоблари, жаҳон ва ўзбек адабиёти дурдоналари, Ватанимиз тарихига оид кўплаб қизиқарли асарлар ўрин олган.

Яна бир эсда қоларли ҳолат. Учрашувда ўзининг якуний мулоҳазаларини билдирган сенатор ўқувчи ёшларга мурожаат қилиб, кимки республика фан олимпиадаларида 1-ўринга сазовор бўлса, бу ўқувчининг ўзига ва унинг устозига алоҳида мукофот таъсис этганини эълон қилди. Аслида бу қарорга халқ вакили айна учрашув чоғида олган иштиёқ ва таассуротлари таъсирида келганига шубҳа йўқ. Дарҳақиқат, баҳмаллик ўқувчиларнинг билимга қанқоқлиги, ўз келажакларига жиддий эътибор билан қараши тадбирда иштирок этган ҳар инсонни тўлқинлантиргани ҳам рост.

Сенатор шу куни Ўснат шаҳарчасини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида Ўснат шаҳарчасида бунёд этилган сув тозалаш ва тарқатиш иншоотида бўлди. Маълумки, яқинда Олий Мажлис Сенатида мазкур иншоотдан Ўснат шаҳарчасида истикомат қилувчи 30 мингга яқин аҳолига сув тарқатиш тизимларини таъмирлаш учун давлат бюджетидан 30 млрд сўм маблағ ажратиш масаласи кўтарилган ва бу масала мутасадди идоралар кун тартибига киритилган эди. Маълум бўлдики, ушбу сўров бўйича дастлабки маблағлар келиб тушган ва иш бошланган.

Сенатор навбатдаги объект – Ўснат шаҳарчасидаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга берилган 10 та уйда яратилган шароитларни ҳам ўрганди. Ҳусан Эрматов мутасаддилар билан биргаликда айрим камчиликларни жойида кўриб чиқди, туман ҳокимининг ўринбосари билан уларни тез фурсатда бартараф этишга келишиб олинди.

Ўз мухбиримиз.

Бугунги ёшларнинг дунёкараши, фикрлаши, билим доираси ва қизиқишлари бундан 8-9 йил илгариги ёшларникидан тубдан фарқ қилади. Улар сенатордан турли мавзулардаги саволларига жавоблар олишди. Хусусан, Сенат қабул қилаётган қонунларнинг жамият тарққиётидаги аҳамияти, олий таълимдаги ўзгаришлар, ҳудудни ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳатлари, Марказий Осиёнинг ягона сиёсий субъект ўлароқ тан олинаётгани, «Марказий Осиё+» форматининг самаралари, Президентимизнинг «Марказий Осиё янги давр остонасида» деб



НУҚТАИ НАЗАР



Ғолибжон МАҲАММАДЖАНОВ, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Бугун дунёнинг сиёсий, маънавий манзараси янги кўринишга эга бўлиб, бунда ривожланиш имкониятлари билан бир қаторда, таназзулга сабаб бўлувчи омиллар яққол кўзга ташланмоқда. Сиёсий тизимларга хос янги бошқарув тенденциялари, айниқса, аҳолининг унга нисбатан мойиллиги ёки бегоналашуви буларга мисол бўла олади.

Ҳар қандай ўзгаришлар, янгиланишлар аввало инсонларнинг онгида, ижтимоий муносабатларида акс этади, ривожланади. Сиёсий жараёнлар, ўзгаришлар, ислохотлар оддий инсонларнинг ҳаётида қадрият даражасига чиқмас экан, барча уринишлар, ҳаракатлар самарасиз кетади. Шу боис, дунё ҳамжамияти, йирик тадқиқот ва "ақл марказ"лари, сиёсатшунослар айна аҳолининг ижтимоий онгини ривожлантириш, унга ижобий таъсир қилиш бўйича илмий ёндашувларга алоҳида эътибор бериши бежизмас. Оддий сўз билан айтганда, ҳар бир одам ҳар бир сиёсий воқеаликни ҳис этиши лозим бўлади.

Давлат ва жамият муносабатлари бор экан, фаол фуқаролар уни сақлаш ва ривожлантиришнинг муҳим ва асосий объекти бўлиб қолаверади. Бунда муҳим фуқаролик жамияти институтини, шунингдек, сиёсий институт мақомига эга бўлган – сиёсий партиялар етакчи ўрин тутати. Аммо тан олиш керак, бунинг баъзида ҳис қилмаймиз.

Икки томонни ҳам айблаб бўлмайди. Сабаби, юқоридаги мақсадлар ресурс, имконият, ақлий, илмий ёндашувларни талаб қилади. "Ҳар давлат ва жамиятда лоақал битта бўлса ҳам фидокор, онгли партия бўлади, чунки, ҳеч бир жамият фақат онгсизлардан ташкил топган

бўлмайди", деб тўғри эътироф этган эди сиёсатшунос, социолог Дмитрий Соло.

Бугун барча жамиятлар энг эмоционал, ёшлар қатламига кучли эътибор қаратмоқда. Улар технологиялар ривожини таъсирида ҳар қандай билимларни "қисқа", "умумий", "жуъзий" тарзда қабул қилади. Шу боис, бугун ёш авлод орасида ҳам тафовутлар кузатилмоқда.

Энг ёмони – сиёсий бегоналашув. Яъни, ҳар қандай ислохотлар ва ижобий ҳатти-ҳаракатларга ҳаттоки муносабат ҳам билдирмасликдир.

Бунинг олдини олишда, тарғиботни амалга оширишда биринчи навбатда сиёсий партияларнинг ўрни ва роли экспертлар томонидан алоҳида таъкидланади.

Бир нарсани тушуниш, англаш керак бўлади. Сиёсий партия – муайян ижтимоий қатлам ёки гуруҳ манфаатларини ифода этувчи, сиёсий ҳокимиятни қўлга киритиш ёки унда иштирок этиш орқали жамият ривожига таъсир кўрсатишни мақсад қилган уюшма ҳисобланади. Яъни, у аввало, аҳолининг манфаатларини биринчи ўринга қўяди, шу мақсад учун курашади. Партияга аъзолик бу жамият муаммосига

вазифаларни бажаради:

1. Сиёсий маълумот ва маданиятни ошириш. Партиялар жамоатчиликни сиёсий жараёнлар ҳақида хабардор қилади, демократик қадриятлар ва ҳуқуқий онгни шакллантиради. Буюк Британияда партияларнинг нашри аҳолининг тўғри, аниқ, тахлилий маълумот беришда биринчи манба сифатида баҳоланади. Эътибор беринг-а, биринчи манба. (Айрим ташкилотларга партияларнинг нашрларини текинга, эшигининг тагига олиб бориб берсанг, қиё боқмайди).

2. Фуқаролар манфаатини ифода этиш. Улар жамиятнинг турли қатламлари фикрини давлат сиёсатини белгилашда инobatга олишга хизмат қилади. Партиялар фуқаро манфаатларини ҳимоя қилиш учун ҳамроҳ бўлиши керак. Ана шунда партияларнинг "сайловлар партияси" мақоми "кучли партия", "фаол партия" ҳолатига ўзгаради.

3. Ижтимоий барқарорлик ва бирдамликни таъминлаш. Партиялар сиёсий рақобат орқали, лекин қонун доирасида фаолият юритиб, жамиятдаги турли қарашлар ўртасидаги мувозанатни сақлайди. Хусусан, ўзининг электорати орқали, яъни, сиз ва бизнинг манфаатимизнинг ҳуқуқат доирасида ҳимоя қилади, унинг ечимларини ундан талаб қилади. Шу боис, сиёсий партиялар фаолиятида иштирок этмаслик, аслида ўзимизнинг ҳаётимизнинг бир бўлагиди иштирок этмаслик билан тенг, деб ҳисоблайман.

4. Ёшлар онгини шакллантириш. Замонавий партиялар ёш авлодни ватанпарварлик, фуқаролик масъулияти ва давлатга садоқат руҳида тарбиялайди. Сиёсий партияларнинг асосий вазифаларидан бири – фуқароларни сиёсий жараёнлардан хабардор қилиш ва уларни жамиятдаги ўзгаришларга фаол жалб этиш. Германия, Жанубий Кореяда сиёсий партияларнинг мактабларда ҳам сиёсий тўғараклари ташкил этилиб, нафақат партиянинг, балки давлатчиликнинг мазмун-моҳиятини ёш авлодга етказувчи мактаб сифатида баҳоланади.

Партиялар, турли платформалар орқали фуқароларни қонунчилик, сайлов тизими ва давлат бошқаруви билан таништиради. Бу жараёнда жамиятнинг сиёсий билим саводхонлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Мана, катта имконият, катта сиёсий куч – ёшларнинг ўз имкониятларини кўрсатиш учун ўзига хос сиёсий платформа. Фақат унга интилиш керак, хоҳиш керак.

Ижробий ўзгаришларни ҳам айтиш керак. Бугунги кундаги Ўзбекистон сиёсий муҳитида партиялар фуқаролик маданияти, жамиятдаги ислохотлар ва сиёсий барқарорликни сақлашда муҳим ўрин тутати. Улар фаолияти замонавийлашиб, ёндашувлар сиёсий трансформациялашувдан ўтмоқда. Чунки,

"Партиялар — бу фақат сайловларда иштирок этувчи ташкилотлар эмас, балки жамиятнинг тарғибот ва таълим майдони, уларнинг халқ давлатини, унинг қадриятларини ва истиқболларини қўллаб-қувватлаш, бирлаштириш манбаи".

Нелсон МАНДЕЛА

бугунги одамлар кечаги одамлар эмас. Бугун улар жамиятдаги ҳар қандай ўзгаришларга фаол муносабат билдиришга, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ва давлат сиёсатида иштирок этишга интилоқдалар. АҚШлик сиёсатшунос Стивен Станфорд таърифи билан айтганда, "партиялар – халқ ва давлат орасидаги боғланиш нуқтаси. Улар орқали жамият ҳар қандай сиёсий жараёнга фаол жалб этилади ва давлат бошқаруви давомида халқ манфаатлари ҳисобга олинади". Бу жараёнлар жамиятда демократиянинг шаклланишига катта туртки бермоқда. Қандай ҳолатда бўлмасин, партиялар жамиятнинг сиёсий муҳитини шакллантиришдаги муҳим механизмлардир.

Бугунги кунда Ўзбекистон сиёсий муҳитида партиялар фуқаролик маданияти, жамиятдаги ислохотлар ва сиёсий барқарорликни сақлашда муҳим ўрин тутмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси парламент кўйи палатасида ўзини муҳолиф фракция сифатида эълон қилиб, ҳуқуқлар ва имкониятлар тенглигини таъминлаш, жамиятнинг кам даромадли қатламлари, пенсионерлар ва ногиронлиги бўлган шахслар манфаатларини ҳимоя қилишда принципиал позицияни эгаллади.

Ўзбекистонда ижтимоий давлат таъмоийли амалга оширилиши, турли қатлам манфаатларининг ҳимоя қилиниши, Давлат дастурлари ва Бюджет ижросининг таъминланиши, қонун лойиҳаларининг кенг ҳамда қатъий муҳокама этилишида Ўзбекистон ХДП фракциясининг конструктив позицияси мустаҳкамланиб бормоқда.

Фуқаролар партиялар орқали жамиятдаги ҳар қандай ўзгаришларга фаол муносабат билдиришга, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ва давлат сиёсатида иштирок этишга интилоқдалар. Бу жараёнлар мамлакатимизда илгор демократиянинг шаклланишига катта туртки бермоқда. Ҳали олдимизда катта мақсадлар, вазифалар бор. Сиёсий партиялар фуқаролар билан яқин мулоқот ва сиёсий ҳамкорлик муҳитига фаол кириб боравериши керак.

ХАЛҚНИНГ ОВОЗИ ЭШИТИЛЯПТИ!

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Раҳбарлар кабинетда эмас, халқ ичида бўлишни одат қилди. Улар жойларга чиқиб, аҳоли билан бевосита учрашмоқда, одамларнинг дард-у ташвишини ўз кўзи билан кўряпти. Бир пайтлар фақат исмини эшитган, пойтахтда ўтирган вазирлар ҳам эндиликда олис ҳудудларга бориб, сайёр қабуллар ўтказаятгани янги даврнинг талаби.

Энг муҳими, халқ ва давлат ўртасидаги мулоқот анча очик ва самарали тус олди. Парламент ва маҳаллий Кенгаш депутатлари ўз сайловчилари билан тез-тез учрашиб, мурожаатларни ўрганмоқда, таклифларни эшитмоқда. Бу эса жойлардаги ҳақиқий аҳволни англаш, муаммонинг ечимини топишда муҳим омилга айланди.

Айтиш керакки, партиямиз ташкилотлари ва депутатлари ҳам бу жараёнда фаол иштирок этмоқда. Маҳаллий Кенгашларга келаётган мурожаатлар пухта ўрганилиб, уларни ҳал этиш бўйича амалий чоралар кўрилкоқда. Бунинг натижасида одамлар давлат идораларига ишонмоқда, ўз сўзининг қадри борлигини ҳис этмоқда.

Халққа яқинлик — ҳар бир раҳбар ва депутат фаолиятининг асосий мезонига айланди. Бу эса мамлакатимизда очиклик, адолат ва инсонпарварлик сиёсатининг амалдаги ифодасидир. Шу аниқки, мурожаат эшитилаётган жойда ишонч ҳам мустаҳкам бўлади.

11 МИНГДАН ОРТИҚ ФУҚАРОНИНГ ҚАНДАЙ МУАММОСИ БОР?

Ҳар бир мурожаат — бир инсоннинг тақдири, бир хонадоннинг умиди, бир оиланинг оғриғи. Шунинг учун мурожаатлар билан ишлаш юракдан ҳис этиладиган ишдир.

Халқ демократик партияси тизимида бугун айнан шундай инсонпарвар ёндашув устувор. Жамоатчилик қабулхоналари, сайёр учрашувлар ва депутатлик сўровлари орқали минглаб фуқароларнинг масалалари ҳал этилмоқда.

Партия фаоллари ва депутатлар жойларда, аҳоли ичида, чекка қишлоқларгача бориб, одамларнинг мурожаатларини тинглаяпти. Сайёр қабуллар, кўчма жамоатчилик қабулхоналари орқали уйма-уй юриб, сайловчилар билан учрашиш, уларнинг муаммоларини жойида ҳал этиш аъёнага айланган. Энг муҳими, ҳеч бир мурожаат эътиборсиз қолмаяпти.

Жорий йилнинг ўтган 8 ойи давомида партиямизнинг Жамоатчилик қабулхоналарида 11 мингдан ортиқ мурожаат қабул қилинган. Улар орасида 2135 та мурожаат коммунал соҳага — йўл, газ, сув ва электр таъминотига оид. 493 нафар фуқаро уй-жой ва ер масаласида, 1586 киши эса ишга жойлашишда ёрдам сўраган бўлса, 2606 нафар электрот вакиллари моддий ёрдамга эҳтиёжи борлигини билдирган. Мурожаатларнинг 10 752 таси ижобий ҳал этилган.

Бу рақамлар халқни нима ўйлантираётгани, жойларда қайси соҳаларда муаммолар кўпроқ эканини яққол кўрсатади. Мурожаатларнинг ижобий ҳал этилгани эса партия фаолларининг халқ дардига бефарқ эмаслиги, ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири борлигидан далолатдир.

ҲАР БИР МУАММОГА ЕЧИМ ТОПИЛАДИ

Шоҳруҳ ЎКТАМОВ, ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси:

— Мурожаат қилиш — фуқароларнинг муҳим сиёсий ҳуқуқларидан бири. Уларни диққат билан ўқиб чиқсак, нафақат муаммолар, балки одамларимиз кайфияти, яшаш шароити ва ислохотларга муносабати ҳам акс этади. Шу боис ҳеч ким мурожаатга беэътибор бўлишга ҳақли эмас.

Агар таққослайдиган бўлсак, сўнгги 5–6 йил ичида фуқаролар мурожаатларининг мазмуни ҳам кескин ўзгарди. Илгари одамлар

асосан шахсий муаммосини ҳал қилиш учун ёрдам сўраган бўлса, ҳозир бу ҳолат анча камайди. Бугун мурожаатлар, асосан, жамоавий ва ҳудуд манфаатларига дахлдор — маҳаллаларда инфратузилмани яхшилаш, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини таъмирлаш ёки янги бинолар қуриш ҳақида бўлмоқда.

Бу эса одамларда ўз маҳалласи, қишлоғи тақдирига дахлдорлик ҳисси ортганини кўрсатади.

Шу билан бирга, мамлакатимизда “Ташаббусли бюджет”, “Менинг йўлим” каби лойиҳалар амалга оширилаётгани туфайли, аҳоли ташаббускорлиги орқали маҳаллий муаммолар камайиб бормоқда. Фуқаро мурожаати биз учун ишонч синовидир. Ҳар бир мурожаатни ҳал этиш орқали биз инсон тақдирига дахлдор ишни бажарамиз.

Тахлилларга эътибор берадиган бўлсак, жорий йилнинг ўтган даврида вилоятимиздаги партиямиз Жамоатчилик қабулхоналарига 1000 дан ортиқ мурожаат келиб тушди. Уларнинг 900 дан ортиғи ижобий ҳал этилди, қолганлари назоратда турибди.

Ҳозир ҳудудларда фақат депутатлар эмас, балки туман ҳокими раҳбарлигидаги сектор ва мутасадди раҳбарлар ҳам маҳаллалардаги муаммоларни ўрганиб, бартараф этиш бўйича тизимли иш олиб боришмоқда.

Кейинги пайтларда депутатлар

Улар орқали халқнинг қайси соҳада муаммоларга дуч келаётгани, қайси масалалар ечим кутаётгани яққол намоён бўлади.

Акмал УМАРАЛИЕВ, ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси:

— Ҳар бир мурожаат ортида инсон манфаати ва тақдири ётади. Бир идора эшигини тақиллатиб келган одам — енгилмасдан, умид билан мурожаат қилган инсон. Шунинг учун ҳар бир мурожаатга масъулият билан ёндашиш, одамнинг оғирини енгил қилиш — биз учун бурч.

Партиянинг вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари қошида ташкил этилган Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти шундан далолат бермоқда. Жорий йилнинг ўтган 8 ойи давомида бу қабулхоналарга 1000 дан ортиқ мурожаат келиб тушди.

Тахлиллар шундан далолат бермоқдаки, энг кўп мурожаатлар коммунал соҳага тегишли, яъни, 200 га яқин.

Вилоят партия кенгаши етакчисининг айтишича, депутатлар мурожаатларни ечишда фаол иштирок этмоқда. Масалан, яқинда халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутати Р.Шамсиев фуқаролар билан очик учрашув ўтказиб, уларнинг муаммоларини эшитди. Аҳоли ички кўчаларга сув қувурлари ўтказилмагани, электр ва газ таъминотида муаммолар борлигини билдирди. Илгари бу масалалар бўйича Сувтаъминот тизимига бир неча марта мурожаат қилинган бўлса-да, натижа бўлмаган.

Масала депутат ташаббуси билан назоратга олинди. Мутасадди ташкилотлар ёрдамида маҳалла ичкарисига 900 метр сув қувури ётқизилиб, 53 та хонадон тоза ичимлик суви билан таъминланди. Шу билан бирга, Мустақиллик маҳалласида ҳам

Мазкур масалалар юзасидан депутатлик гуруҳи ташаббуси билан туман Кенгаши сессиясига таклиф киритилди ва натижада туман маҳаллий бюджети ҳисобидан 932 миллион сўм маблағ ажратилди.

Ажратилган маблағнинг 232 миллион сўми кўп қаватли уйнинг том қисмида таъмирлаш ишларини амалга оширишга, яна 700 миллион сўми эса 620 метрлик пиёдалар йўлагини қуришга йўналтирилади.

Бундай амалий ишлар жуда кўп. Бу мисоллар депутатларимиз халқ мурожаатларига бефарқ эмаслигини, ҳар бир муаммонинг ортида турган инсон тақдирига масъулият билан ёндашишини кўрсатади.

Албатта, ҳали қилинадиган ишлар кўп, аммо муҳим қадамлар қўйилмоқда.

МУРОЖААТЛАРНИ ҚОҒОЗДА ЁПИБ БЎЛМАЙДИ

Фуқаролар мурожаатлари — давлат идоралари билан халқ ўртасидаги мулоқот ифодаси. Аммо баъзан бу мулоқот заиф бўлаяётгани, муаммолар қоғозда ҳал этилган деб қайд этилса-да, амалда ечимсиз қолиб кетаётгани кузатилади.

ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Зулфия Тўйева бу ҳақда шундай дейди:

— Фуқаро мурожаатларига эътибор – биринчи галдаги вазифа. Негаки, ҳар бир масала ортида инсон тақдири ётади. Аммо баъзан қоғозда мурожаат ҳал этилган, деб қайд қилинади. Лекин жойларга борганимизда, мурожаатчи яна келади, унинг иши ечилмаган бўлади. Демак, масала ҳақиқатан ечимини топмаган.

фуқароларнинг мурожаатлари тингланди. Жумладан, тиббиёт, имтиёзли кредит олиш, моддий ёрдам тайинлаш ва кадастр билан боғлиқ масалаларда мурожаатлар бўлди.

Депутат аксарият мурожаатларни жойида ҳал этди. Масалан, ижтимоий химояга муҳтож фуқаро Ш.Асадованинг қизларини давлат мактабгача таълим ташкилотига жойлаштириш бўйича мурожаатига шу куннинг ўзида ечим топилди. Муддат талаб этадиган масалалар бўйича эса тегишли ташкилотларга депутат сўровлари юборишга қарор қилди.

ЭШИТИЛГАН СЎЗ ҲАЛ ЭТИЛИШИ ЗАРУР БЎЛГАН МАСАЛАДИР

Абдухалил ЎРОЛОВ, ЎзХДП Тошкент шаҳар Кенгаши бўлим бошлиғи:

— Кўп ҳолларда депутат мурожаатларига “шаблон” жавоблар келади. Биз кўтарган аниқ масала эса ёпиқ қолади. Гўёки жавоб хати номига ёзилгандек. Бу ҳолат одамларнинг давлат идораларига бўлган ишончини сусайтиради. Депутат мурожаати — битта инсоннинг эмас, балки юзлаб, минглаб фуқаролар манфаати ифодаси. Шу боис, ҳар бир мутасадди бу ишга масъулият билан ёндашиши, одамлар дардини ҳис қилиши керак.

Муаммога юзак ёндашиб, номига жавоб ёзиш билан одамларни рози қилиб бўлмайди. Ҳақиқий натижа — амалий ечимдадир. Партия ташкилотларимиз, депутатларимиз мунтазам равишда халқ ичида бўлиб, сайёр қабуллар ўтказиб, аҳоли мурожаатларини ўрганади.

Масалан, яқинда партиямиз Учтепа туман кенгаши ташаббуси билан “Учтепа” маҳалласида сайёр қабул ўтказилди. Мулоқотнинг асосий мақсади фуқароларнинг муаммоларини тинглаш ва уларни жойида ҳал этишга қаратилган.


Сайёр қабулда Учтепа туман Кенгаши раиси Ш.Холиқов ва туман ҳокимлиги вакиллари фуқаролардан тушган мурожаатларни тинглашди. Аҳолидан турли соҳаларда мурожаатлар келиб тушди. Жумладан, иш билан таъминлаш, моддий ёрдам, уй-жой масалалари, пенсия ва нафақа, контракт тўловлари бўйича имтиёзлар масаласида мурожаатлар қайд этилди.

Масъуллар ҳар бир мурожаат юзасидан шу жойининг ўзида тегишли ташкилотлар билан боғланиб, ижобий ечим топилди. Шу билан бирга уларнинг ижроси депутатлик назоратига олинди.

Фуқаролар билан мунтазам равишда ўтказилаётган бундай очик мулоқотлар муаммо ва камчиликларнинг вақтида аниқланиши ва уларга шу жойнинг ўзида ечим топишга замин яратиши билан фуқароларда ишонч ва мамнуният ҳиссини мустаҳкамлайди.

Мурожаат – бу қоғоздаги шунчаки ариза эмас, у инсон овози, халқнинг қалбидан чиққан ҳақ сўзи. Ҳар бир мурожаат ортида бир тақдир, бир умид, бир интизорлик ётади. Шунинг учун унга бепарво қараш – ишончни йўқотиш, одамлар дардига бефарқ бўлиш билан баробардир. Бугун партия ва депутатлар томонидан амалга оширилаётган сайёр қабуллар, жойларга чиқиб мурожаатларни эшитиш амалиёти фақат муаммоларни ечиш эмас, балки халқ ва давлат ўртасидаги ишонч кўпригини янада мустаҳкамламоқда. Энг муҳими, мурожаатлар орқали одамларнинг ҳаётига ижобий ўзгаришлар кириб келмоқда. Бу эса халқ билан мулоқотнинг, очиклик ва жавобгарлик сиёсатининг амалдаги натижаси бўлиб, келгусидаги янги ислохотлар учун мустаҳкам замин яратади.

Лазиза ШЕРОВА, “Ўзбекистон овози” муҳбири.



ўз округларига тез-тез боришни одат қилди. Муносабат ҳам, муҳит ҳам ўзгарди. Депутатлар халқ орасига киришдан чўчимаиди, чунки уларда ваколат ҳам, масъулият ҳам бор.

Энг муҳими, ҳар бир мурожаатга жиддий ёндашиб, унинг ечимини топишга эришсак, одамлар ҳаётдан рози бўлиб яшайди. Бу эса халқчил ва амалий қонунларни яратиш учун мустаҳкам замин бўлади.

ЭНГ КЎП МУРОЖААТ КОММУНАЛ СОҲАДАН

Фуқаролар мурожаатлари – давлат ва жамият муносабатларидаги муҳим кўрсаткичлардан бири.

аҳоли мурожаати асосида 200 метрлик зовур тозаланиб, сув оқими тикланди.Бу орқали кўп йиллар давомида хонадонлардаги захлик ва ноқулайликка сабаб бўлган муаммо бартараф этилди.

Яна бир мисол. Халқ депутатлари Бўстонлик тумани Кенгашидаги партия гуруҳи фуқаролардан келиб тушган мурожаатлар асосида жойларда ўрганишлар олиб борди. Ўрганишлар давомида “Барраж” маҳалласининг Фурқат кўчасида жойлашган 4 қаватли уйнинг том қисми кучли шамол таъсирида зарарлангани аниқланди. Шунингдек, туман марказий поликлиникасига олиб борувчи йўл бўйида пиёдалар учун хавфсиз йўлак йўқлиги ҳам маълум бўлди.

Унинг фикрича, мурожаатлар "ёпилди" деб ҳисобот бериш эмас, муаммони ҳал этиш, инсон оғирини енгил қилиш — асосий вазифа бўлиши керак.

— Ҳеч ким бировнинг эшигини шунчаки тақиллатмайди. Одам мурожаат қилган бўлса, демак, пичоқ суякка қадалган, — дейди у. — Фуқароларнинг ишончи, аввало, уларнинг мурожаатларига бўлган муносабатда намоён бўлади.

Амалий ишларимиздан бир, икки мисоллар келтираман. Яқинда халқ депутатлари Ромитан туман Кенгаши депутати М.Жумаева “Ҳазортут” ва “Ҳофизработ” маҳаллаларида бўлиб, фуқаролар билан сайёр қабул ўтказди. Қабул жараёнида 30 дан ортиқ

ХОРИЖ

Дубай

ДУНЁДАГИ ЭНГ БАЛАНД МЕХМОНХОНА ИШГА ТУШДИ



Дубайда 2025 йил ноябрь ойида баландлиги 377 метр бўлган Ciel Dubai Marina меҳмонхонаси расман очилди. Замонавий минималистик услубда безатилган 1000 дан ортиқ хона ва люкслар мавжуд. У дунёдаги энг баланд меҳмонхонага айланди ва аввалги рекордчи, шу шаҳардаги Gevora меҳмонхонасини (356 м) ортда қолдирди. Лойиҳа The First Group компанияси томонидан амалга оширилди ва минтақадаги энг катта амбициялардан бирига айланди. Меҳмонхона нуфузли Dubai Marina ҳудудида, осмонўпар бинолар, яхта бандаргоҳлари ва Marina Walk сайроҳи ўртасида жойлашган. Бино 82 қаватдан иборат бўлиб, Форс кўрфази, машҳур «Жумайра пальмаси» ва шаҳар осмонўпар биноларининг панорамали кўринишларидан максимал даражада баҳраманд бўлиш учун мўлжалланган. Бир сўз билан айтганда, Дубай жаҳон сайёҳлик маркази мавқеини мустаҳкамлашда давом этмоқда. Ciel Dubai Marina очилиши премиум меҳмонхоналар бозорига рақобатни кучайтиради, сайёҳлар, инвесторлар ва замонавий архитектура лойиҳаларини қадрловчиларни жалб қилади.

ЭЪЛОН

“ОЛОТ НЕФТЬ ВА ГАЗ ҚИДИРУВ ЭКСПЕДИЦИЯСИ” МЧЖ БОШҚАРУВ РАИСИ ЛАВОЗИМИГА ТАНЛОВ ЎТКАЗИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси “Давлат мулкини бошқариш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 мартдаги ПҚ-101-сон қарори ҳамда Жамият ижроия органининг раҳбарлик лавозимларига танлов ўтказиш ва номзодларни саралаш тартиби тўғрисидаги низоом талабларига асосан “Олот нефть ва газ қидирув экспедицияси” МЧЖ ижроия орган раҳбари лавозимига номзодларни саралаш бўйича танлов эълон қилади.

- Лавозим тавсифи (йўриқномаси):
 - Жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарликни амалга оширувчи ҳисобланади;
 - ишончномасиз жамият номидан иш кўради, шу жумладан, жамият манфаатларини ифода этади ва битимлар тузтади;
 - Жамиятнинг молиявий ва бошқа ҳужжатларини имзолайди;
 - банкларда ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисоб варақларни очади, ўз ваколатлари доирасида жамият мулки ва молиявий маблағларини бошқаради;
 - йиллик ҳисобот, йиллик бухгалтерия баланси ва қатнашчилар ўртасида соф фойдани тақсимлашга оид таклифларни тайёrlайди ва қатнашчилар умумий йиғилишига тақдим этади, кўрсатиб ўтилган органларни кундалик молиявий ва ҳўжалик фаолияти тўғрисида хабардор қилиб туради, умумий йиғилиш қарорларининг бажарилишини ташкил қилади;
 - Жамият ижрочи ходимларига раҳбарлик қилади, жамият штатлар жадвалини тасдиқлайди, ҳисоб юритилишини ташкил қилади ҳамда жамият фаолияти тўғрисидаги бухгалтерлик ва статистик ҳисоботларнинг тузилишини ва уларнинг солиқ органларига, ижтимоий жамғармалар ва давлат статистика органларига ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайди;
 - Уставга ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ жамият раҳбари сифатида бошқа ваколатларни амалга оширади.
- Номзодларга қўйиладиган малака талаблар:
 - Номзодларнинг танловда иштирок этиши учун ягона иштирокчи (таъсисчи) томонидан қўйиладиган талаблар:
 - Касбий (техник ёки муҳандис-иктисодий) таълимга эга олий маълумот;
 - Мутахассислиги бўйича камида 5 йил иш тажрибаси борлиги;
 - Давлат тилини билиши (бу талаб чет эллик менежерлар учун мажбурий эмас);
 - Нефть ва газ саноати соҳаси корхонаси тизимида камида 5 йил фаолият олиб борганлиги;
 - Нефть ва газ саноати соҳаси корхонасида ижроия органининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган хизмат вазифаларини бажариш учун билим ва кўникмаларга эга бўлиши;
 - Иктисод соҳасидаги жиноятлар ёки бошқарув тартибига қарши жиноятлар учун судланган бўлмаслиги;
 - Жамият қузатув кенгаши аъзолари ёки бошқарув раҳбарлари ва азоларига қариндошлик алоқаларини ёқлиги;
 - Тиббий ташкилотнинг тасдиқланган ҳулосаси ёки суднинг қонуний кучга кирган

Эрон

ҚУРҒОҚЧИЛИК САБАБ “БУЛУТ ЭКИШ” ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНА БОШЛАНДИ

Метеорология ташкилотига кўра, мамлакатда бу йил ёгингарчилик микдори узоқ йиллик меъёрга нисбатан 89 фоизга камайган. Бу мамлакат учун сўнгги 50 йилдаги энг қуруқ куз ҳисобланади. Шу боисдан, Эрон расмийлари мамлакатда сўнгги ўн йилларнинг энг оғир қурғоқчилиги кузатилаётган бир вақтда сунъий ёгин ёғдириш учун ҳаракат бошлади. Норасмий доираларда “булут экиш”, дея номланидиган амалиёт ҳақида давлатга тегишли IRNA ахборот агентлиги хабар берди. Агентликка кўра, 15 ноябрь кuni илк бор шу мақсадда Урмия кўли

Миср

ҚАДИМИЙ КАСАЛЛИКЛАРДАН БИРИГА БАРҲАМ БЕРИЛДИ

Аслида трахома инсониятга 3 минг йилдан бери маълум бўлган бактериял кўз инфекциясидир. Даволанмаса, тузатиб бўлмайдиган кўрликка олиб келиши мумкин. Миср тарихан касаллик тарқалиши юқори бўлган ҳудуд ҳисобланган, аммо соғлиқни сақлаш соҳасидаги изчил ислохотлар вазиятти тўлиқ назорат остига олиш имконини берди.

устидан парвоз амалга оширилган. Мутахассислар самолётда туриб булутларга махсус бирикма пуркашган. Сунъий ёмғир ёғдириш учун Урмия бежиз танлаб олингани йўқ. У мамлакатнинг энг йирик кўли бўлиб, ҳозир деярли бутунлай қуриган. IRNA агентлигининг кўшимча қилишича, яқин кунларда Шарқий ва Ғарбий Озарбайжон вилоятларида ҳам сунъий ёгин қақариш ишлари олиб борилади.



Жумладан, Миср Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотидан (ЖССТ) трахомани жамоат саломатлиги муаммоси сифатида бартараф этгани тўғрисида сертификат олди. Ушбу воқеа юқумли касалликларга қарши глобал курашда катта ютуқ бўлди ва миллионлаб одамларнинг кўриш қобилиятини ҳимоя қилишга қаратилган кўп йиллик миллий лойиҳани якунлади. Таъкидланишича, Миср эришган ютуқ трахома ҳали ҳам кенг тарқалган бошқа мамлакатларни илҳомлантиради. Бугунги кунда 100 миллиондан ортиқ одам хавф остида қолмоқда. Бир сўз билан айтганда, Миср касаллиқнинг эҳтимолий қайтишига йўл қўймаслик учун вазиятти қузатишда давом этмоқда.

- Судланмаганлик (ёки судланганлик) тўғрисида маълумотнома;
 - Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларига кўра лавозимга тайинланган тўғрисидаги ҳужжат (иш тажрибаси кўрсатилган ҳолда);
 - Давлат ташкилотида маъмурий-бошқарув лавозимларида иш тажрибасини тасдиқловчи ҳужжат (мавжуд бўлса) ва тегишли вазирлик ва идоралар томонидан ижобий тавсияномалар тақдим этилганда қўшимча баҳоланади;
 - Хорижий мамлакатларда раҳбарлик лавозимларда (директор, директор ўринбосари, менежер, супервайзер) иш тажрибаси ёки хорижий юрисдикцияда масалаларни ҳал қилишнинг амалий тажрибасига эга эканлигини тасдиқловчи ҳужжат (мавжуд бўлса). Ижобий тавсияномалар бўлса, қўшимча баҳоланади;
 - Танлов эълон қилинган соҳадаги раҳбарлик тажрибаси (бошқарув раиси/ директор, бошқарув раиси/директор ўринбосари ёки раҳбарлик лавозимига тенглаштирилган лавозимлар (бош муҳандис, бош механик, бош иктисодчи, бўлим/цех бошлиғи ва бошқа.)) тўғрисидаги ҳужжат (мавжуд бўлса);
 - Ҳўжалик жамиятларининг раҳбарлик лавозимларида ишлаш тажрибаси (бошқарув раиси/директор, бошқарув раиси/директор ўринбосари, ваколатхона ёки филиал раҳбари) тўғрисидаги ҳужжат (мавжуд бўлса);
 - Ҳўжалик жамиятларининг қузатув кенгаши аъзоси сифатида иш тажрибаси тўғрисидаги ҳужжат (мавжуд бўлса);
 - Хорижий тилларни билиш даражаси тўғрисида гувоҳнома (мавжуд бўлса);
 - Амал қилиш муддатига эга корпоратив бошқарувчи малака аттестати (мавжуд бўлса);
 - Қимматли қоғозлар бозори мутахассиси, аудитор, сугўрталовчи, баҳоловчи, суд бошқарувчиси малака талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи амал қилиш муддатига эга ҳужжатлар (мавжуд бўлса);
 - Халқаро сертификатлар (CFA, CPA, ACCA, ACA, CIMA, IMC, FRM) (мавжуд бўлса);
 - Компьютер билимдонлик — MS Office, MS Excel – ишончли фойдаланиш (гувоҳнома мавжуд бўлса);
 - Танлов ҳужжатларини топширишнинг охириги муддати 9 декабрь 2025 йил.
 - Танлов таклифлари ва ҳужжатлар муҳрланган конвертларда ва конвертнинг устки қисмида танловда иштирок этувчи номзоднинг танловда иштирок этиш учун аризаси илова қилинган ҳолда тақдим қилинади.
- Ҳужжатлар қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: Бухоро вилояти, Олот тумани, Олот кўчаси, 143-уй. Маълумотлар учун телефон: +998 97 282 98 98**
- Корхона электрон почта манзили: www.alatngre.uzgbng.uz**

СПОРТ

Футбол

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ИШТИРОКЧИЛАРИ СОНИ 34 ТАГА ЕТДИ



2026 йилда футбол бўйича ўтказиладиган жаҳон чемпионатида иштирок этадиган 34 та терма жамоалар номи аниқ бўлди ва яна 14 та йўланма ўз эгасини кутмоқда. Ҳизиргача, жаҳон чемпионатига йўл олган жамоалар – АҚШ, Канада, Мексика, Япония, Янги Зеландия, Эрон, Аргентина, Ўзбекистон, Жанубий Корея, Иордания, Австралия, Бразилия, Эквадор, Уругвай, Колумбия, Парагвай, Марокаш, Тунис, Миср, Жазоир, Гана, Кабо-Верде, ЖАР, Қатар, Саудия Арабистони, Англия, Сенегал, Кот-д'Ивуар, Франция, Хорватия, Норвегия, Португалия, Германия ва Нидерландия.

“Риёд-2025”

МЕДАЛЛАРИМИЗ КЎПАЙМОҚДА



Саудия Арабистони пойтахти Ар-Риёд шаҳрида ўтказиляётган VI Ислон бирдамлиги ўйинларида Ўзбекистон делегациясининг медаллари сони 65 тага етди. Хусусан, енгил атлетикачиларимиздан Барноҳон Сайфуллаева ва Наргиза Кўчқорова, таэквондо усталаримиздан Дийрбек Тўхлибоев (-67 кг.) ҳамда Марат Мавлонов (+82 кг.), истеъодли қилиқбозимиз Мейирхан Тимуров (шпага) олтин медални қўлга киритди. Шунингдек, таэквондо WT бўйича 70 кг. вазн тоифасидаги баҳсларда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган Озода Собиржонова сўнгги ҳал қилувчи финал баҳсида эронлик Ялда Валинежад устидан 2:1 ҳисобида зафар қучди ва делегациямиз ҳисобига олтин медалъ қўшиб қўйди. Бундан ташқари, Сўхроб Хўжаев (босқон улқотқириш), Шарифа Дурнонова (уч ҳатлаб сакраш), Жавоҳир Нурматов (шпага), Гулистан Пердибаева (сабля) ва Светлана Осипова каби атлетларимиз ўз йўналишларида қумуш медалга сазовор бўлган бўлса, Валерия Горбатова (баландликка сакраш), Аюбхон Фаёзов (босқон улқотқириш) ва Дияра Азизова бронза медалъ билан тақдирланди. Эътиборли жиҳати, Ўзбекистон делегацияси ҳисобида 21 та олтин, 24 та қумуш ва 20 та бронза медалъ билан умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринда бормоқда.

Теннис

СЕРГЕЙ ФОМИН МАНАМАДА ЧЕМПИОН БЎЛДИ



Баҳрайн пойтахти Манама шаҳрида теннис бўйича эркаклар ўртасида ўтказилган М25 тоифасига қирувчи халқаро турнирда ҳамюртимиз Сергей Фомин бoл совринга сазовор бўлди. Мамлакатимизнинг иккинчи рақамли теннисчиси бўлган Сергей Фомин нуфузли мусобақанинг сўнгги ҳал қилувчи финал бoсқичида польшалик Олаф Пьешковскига қарши кортга чиқди. Бахсининг биринчи сетини 1:6 ҳисобида бой бериб қўйган Сергей қолган икки сетда 6:4, 6:3 ҳисобида рақибдан устун келди ва мусобақанинг яккалик баҳслари ғолибига айланди. Шу тариқа Сергей Фомин халқаро турнирда бош соврин билан биргаликда, 4 минг 612 АҚШ доллари пул муқофоти ва 25 ATP рейтинг очкосини қўлга киритди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ тайёрлади.

MUASSIS:			O‘zbekiston Ovozi		Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA		Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.	
			TAHRIR HAY'ATI:		MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Mустақиллик майдони 5/3		Navbatchi: Ravshan SHODIYEV	
Ulug'bek INOYATOV			Gulliston ANNAQILICHEVA		Телефонлар: (71) 239-12-14		Г — 1137. 1580 nusxada bosildi.	
Ulug'bek VAFOYEV			Muslihiddin MUHIDDINOV		Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbekovozi@mail.ru		Nashr ko'rsatkichi — 220.	
Maqsuda VORISOVA			Olim RAVSHANOV		«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.		t — Tijorat materiallari	
Qalandar ABDURAHMONOV			Toshtemir XUDOYQULOV		Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.		1 2 3 4 5 6	
O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI					Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O‘zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.		Sotuvda kelishilgan narxda	